

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув кенгаши  
мажлисинг 10.09, 2024 йилдаги 80-сонли  
баёнинг 1-илюва

**Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси маблағларини  
шакллантириш ва уларнинг сарфланиш тартиби түғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

Мазкур Низом Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма)га юклатилган вазифаларни бажариш ҳамда ва унинг функцияларини амалга ошириш учун зарур маблағларни шакллантириш ва сарфлаш тартибини белгилайди.

1. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**тиббиёт ташкилоти** – қонунчилик хужжатлари талабларига мувофиқ тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳукуқига эга бўлган юридик шахс;

**амбулатор тиббиёт муассасаси** – аҳолига амбулатор тиббий хизмат кўрсатувчи бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси;

**“аҳоли жон бошига” тўлов** – тасдиқланган базавий ставкалар ва коэффициентларни бириктирилган аҳоли сони ва таркиби (ёш ва жинси)га қўллаган ҳолда молиялаштириш усули;

**“глобал бюджет” бўйича тўлов** – тиббиёт ташкилоти томонидан муайян даврда аҳолига белгиланган ҳажмларда тиббий хизматларни кўрсатиш харажатларини қоплаш учун молиялаштириш усули;

**“хар бир даволанган ҳолат” бўйича тўлов** – стационар шароитда тасдиқланган даволаш стандартлари ва клиник протоколларга мувофиқ кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг базавий ставка ва тегишли коэффициентларни қўллаш орқали молиялаштириш усули.

**2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ва сарф қилиш йўналишлари**

2. Қуидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Давлат бюджетидан олинган маблағлар;

Жамғарманинг ғазна ҳисобваракларида вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар. Ушбу даромадларнинг 50 фоизи Жамғарма ижро этувчи аппарати ва худудий бўлинмалари фаолиятини молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга, қолган 50 фоизи Жамғармага юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;  
халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;  
қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Жамғарма маблағлари Жамғарма Кузатув кенгаси томонидан тасдиқланадиган тақсимотга мувофиқ куйидаги мақсадлар учун йўналтирилади:

давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам доирасида тиббий хизматларни давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларидан харид килиш;

имтиёзли тоифадаги шахсларни даволаш харажатларини ўрнатилган тартибда қоплаб бериш;

давлат тиббий суғуртаси дастурини ҳамда имтиёзли дори воситалари таъминотини молиялаштириш;

давлат тиббий суғуртасининг ягона электрон ахборот тизими ва ресурсларини яратиш ҳамда уларнинг узлуксиз ишлишини таъминлаш;

Жамғарманинг тасдиқланган бюджети доирасида мақсадли дастурлар ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғарма ижро этувчи аппарати ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, бино ва иншоотларини таъмирлаш ва сақлаш;

ахборот ва алоқа хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;

банк хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;

тиббий суғурта соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа мақсадлар учун тўловларни амалга ошириш.

### **3-боб. Жамғарма бюджетини шакллантириш тартиби**

4. Кейинги молия йили учун Жамғарманинг бюджет сўровини шакллантириш давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети (кейинги ўринларда – кафолатланган пакет)га киритилган тиббий хизматлар, дори воситалари кўлами ва сони, аҳоли сони ва таркиби, даволаниши режалаштирилган имтиёзли тоифадаги шахслар сони ва касалликлар турлари тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Кейинги молия йили учун Жамғарманинг бюджет сўрови ҳудудлар кесимида шакллантирилади ҳамда тегишли ҳисоб-китобларни илова қилган ҳолда жорий йил 15 июлга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритилади.

### **Аҳоли жон бошига тўлов усули бюджетини шакллантириш**

5. Аҳоли жон бошига молиялаштириш учун зарур маблағлар миқдорини ҳисоб-китоб қилишда кўлланиладиган кўрсаткичлар:

охирги 3 (уч) йилда аҳолининг ўртача ўсиш коэффициенти (<https://goo.su/a2FE1I>) ;

инфляция даражасини (<https://goo.su/fybUpaN>) тасдиқланган базавий ставкаларга қўллаш орқали кейинги молия йили учун қўлланиладиган базавий ставкалар миқдори;

аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжини ифодаловчи ёш ва жинс коэффицентлари;

Аҳолига жон бошига молиялаштириш маблағларига бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш учун мисол ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган.

6. Аҳоли жон бошига молиялаштириш учун зарур маблағлар миқдорини аниқлашда тиббий ахборот тизими орқали бириктирилган аҳоли сони ва таркиби тўғрисида жорий йил 1 июль ҳолатидаги маълумотлардан фойдаланилади.

Бунда, барча амбулатор тиббиёт муассасаларига бириктирилган жами аҳоли сони расмий статистик маълумотлардан ошиқча бўлган тақдирда аҳоли жон бошига молиялаштириш ҳажмини аниқлашда республика ҳудудида истиқомат қилувчи умумий аҳоли сони бўйича расмий статистик маълумотлардан фойдаланилади.

### **Глобал бюджет ва ҳар бир даволангандан ҳолат учун тўлов усули бюджетини шакллантириш**

7. Глобал бюджет ва ҳар бир даволангандан ҳолат учун тўлов усули бўйича молиялаштириш ҳажми тиббиёт ташкилотлари томонидан тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этишдаги барча жорий харажатлардан келиб чиқкан ҳолда аниқланади.

Бунда, тиббиёт ташкилотини жорий йилда сақлаш харажатлари миқдорига инфляция даражаси қўлланади.

Тиббиёт ташкилотларини сақлаш харажатлари қуйидагилардан иборат:

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситалари харажатлари;
- коммунал хизматларга харажатлар;
- телефон ва бошқа телекоммуникация хизматларига харажатлар;
- қўриқлаш хизматларига харажатлар (қонунчиликка мувофиқ бюджетдан ажратилиши белгилангандан тиббиёт ташкилотлар учун);
- бино-иншоотлар ва транспорт воситаларини сақлаш харажатлари (бино-иншоотларни жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари бундан мустасно);
- ходимларни моддий рағбатлантириш бўйича харажатлар.

8. Жамғарманинг тегишли молия йили учун бюджет сўрови Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилгандан сўнг қабул қилинган меъёрий-хукуқий хужжатларга мувофиқ тасдиқланган дастур ва тадбирларни амалга ошириш ҳамда янги ташкил этилган тиббиёт ташкилотларини сақлаш учун маблағлар Давлат бюджетидан Жамғармага қўшимча равишда ажратилади.

### **Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш харажатларини қоплаш учун зарур маблағлар микдорини аниқлаш**

9. Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш харажатларини қоплаш учун зарур маблағлар микдори амалдаги базавий нархларга инфляция даражасини қўллаган ҳолда аниқланган микдорларни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий йилдаги bemorlar sonining (kasallicklar turlari kesimida) ўсиш суръати асосида шакllantriilgan bemorlar soniga kўpaitiriish orkali xisob-kitob қилинади.

### **Бюджет сўровини шакllantriishi muddatlari**

10. Жамғарма худудий бўлинмалари томонидан 5 июлга қадар навбатдаги молия йили ва келгуси икки йил учун зарур маблағлар ҳисоб-китобини ташкилотлар кесимида Жамғарманинг тегишли таркибий бўлинмаларига тақдим килади.

11. Жамғарманинг умумий бюджет сўрови худудлар ва ташкилотлар кесимидағи ҳамда алоҳида дастурлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз ичига олган ҳолда шакllantriiladi ва 15 июлга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги Конунига мувофиқ Жамғармага ўtkaziladigan transfertlar Жамғарманинг алоҳида ғазна ҳисобваракларида жамланади. Бунда, Жамғарманинг йиллик бюджетининг 3 (уч) фоизига teng қисми алоҳида ғазна ҳисобварагида захира маблағлари сифатида режалаштирилади. Мазкур захира маблағлари фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш ва бошқа мақсадлар учун Жамғарма Кузатув кенгашининг қарорига асосан сарфланади.

### **4-боб. Жавобгарлик ва назорат**

13. Тиббиёт ташкилотига Жамғарма томонидан тўланган маблағларини мақсадли ва тўғри сарфланишини ҳамда ҳисоби юритилишини таъминлаш учун тиббиёт ташкилоти раҳбари жавобгар ҳисобланади.

14. Жамғарманинг умумий бюджет сўровномасини шакllantriishiда fойдаланилган тиббиёт ташкилотларининг фаолиятига тааллукли бўлган тегишли тиббий ахборот тизимиға киритилган ҳамда тақдим этилган бошқа маълумотлар тўғрилиги ва асослилиги юзасидан жавобгарлик тиббиёт ташкилоти раҳбари зиммасига юклатилади.

15. Жамғарма маблағларининг тақсимланиши ҳамда сарфланиши Жамғарманинг Ички аудит хизмати томонидан доимий равишда назорат килинади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жамғарма маблағларини шакллантириш ва уларнинг сарфланиши жараёнида вужудга келадиган муаммо ҳамда масалаларни тартибга солиш ваколатига эга.

17. Ушбу Низом талабларига риоя қилмаган мансабдор шахслар конунчилик хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси  
маблағларини шакллантириш  
ва уларнинг сарфланиш тартиби  
тўғрисидаги низомга 1-илова

*Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига тиббий ахборот тизими орқали бириктирилган аҳоли сони ва таркиби тўғрисида 1 июль ҳолатига киритилган маълумотлар қўйидаги намуна кўриншиида олинади;*

№	Худуд номи	Муассаса номи	Аҳоли сони	Бириктирилган аҳоли сони	0-12 ойлик	1-5 ёш	6-14 ёш	15-39 ёш аёл	15-39 ёш эркак	40-49 ёш аёл	40-49 ёш эркак	50-65 ёш	66 ёш ва ундан юқори
					ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси
	Сирдарё вилояти	Жами	862 334	862 334	21 253	90 409	143 127	175 452	170 820	55 578	53 532	116 772	35 391
1	Шахар	КТМП	172 082	94 329	2 300	8 925	14 597	20 041	19 392	5 815	5 425	12 239	5 595
2	Шахар	ОП		69 202	1 346	6 375	10 836	14 176	14 617	4 183	4 301	9 774	3 594
3	Туман	КТМП	690 252	159 259	3 707	16 293	26 277	33 013	30 559	10 329	10 171	23 210	5 700
4	Туман	ОП		315 915	7 880	34 112	51 906	62 949	61 076	22 125	20 745	43 738	11 384
5	Туман	ОШП		223 629	6 020	24 704	39 511	45 273	45 176	13 126	12 890	27 811	9 118

*ёш ва жинс коэффициентлари;*

Ёш ва жинс коэффициентлари	0-12 ойлик	1-5 ёш	6-14 ёш	15-39 ёш аёл	15-39 ёш эркак	40-49 ёш аёл	40-49 ёш эркак	50-65 ёш	66 ёш ва ундан юқори
	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси
	2,28	1,51	0,94	1,05	0,59	1,1	0,73	1,1	1,15

*Тегишли ёш ва жинс коэффициентларини қўллаш орқали бириктирилган аҳолининг ишлек молиялаштириши миқдорини ҳисоблаш учун зарур аҳоли сони аниқланади.*

№	Худуд номи	Муассаса номи	0-12 ойлик	1-5 ёш	6-14 ёш	15-39 ёш аёл	15-39 ёш эркак	40-49 ёш аёл	40-49 ёш эркак	50-65 ёш	66 ёш ва ундан юқори	Молиялаштириш учун жами аҳоли сони
			ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	ахолиси	
	Сирдарё вилояти	Жами	48 457	136 518	134 539	184 225	100 784	61 136	39 078	128 449	40 700	873 885
1	Шахар	КТМП	5 244	13 477	13 721	21 043	11 441	6 397	3 960	13 463	6 434	95 180
2	Шахар	ОП	3 069	9 626	10 186	14 885	8 624	4 601	3 140	10 751	4 133	69 015
3	Туман	КТМП	8 452	24 602	24 700	34 664	18 030	11 362	7 425	25 531	6 555	161 321
4	Туман	ОП	17 966	51 509	48 792	66 096	36 035	24 338	15 144	48 112	13 092	321 083
5	Туман	ОШП	13 726	37 303	37 140	47 537	26 654	14 439	9 410	30 592	10 486	227 286

*базавий ставка;*

Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаси тури	Базавий ставка									
	75 000									
Шахар кўп тармоқли марказий поликлиника										
Шахар оиласиевий поликлиника										
Туман кўп тармоқли марказий поликлиника										
Туман оиласиевий поликлиника										
Оиласиевий шифокор пунктлари										

*муассаса тури коэффициенти;*

<b>Коэффициентлар номи</b>		<b>Муассаса тури коэффициенти (бириктирилган ахоли учун)</b>
Муассаса тури (оилавий шифокорлик пунктига бириктирилган ахоли учун)		2,219
Муассаса тури (туман оилавий полилиникасига бириктирилган ахоли учун)		2,209
Муассаса тури (туман күп тармоқли марказий поликлиникасига умумий ахоли учун)		1,098
Муассаса тури (шахар оилавий полилиникасига бириктирилган ахоли учун)		2,801
Муассаса тури (шахар күп тармоқли марказий поликлиникасига умумий ахоли учун)		1,352
Муассаса тури (шахар ва туман күп тармоқли марказий поликлиникасига бириктирилган ахоли учун)		1,000

*муассасанинг йиллик бюджети;*

№	Худуд номи	Муассаса номи	Аҳоли сони	Молиялаштириш учун жами аҳоли	Тузатиш коэффициенти	Муассаса тури коэффициенти (бириктирилган ахоли учун)	Бюджет					
							КТМП умумий аҳоли	КТМП бириктирилган аҳоли	ОП	ОШП	Жами йиллик	Бир ойлик
	Сирдарё вилояти	Жами	862 334	873 885	x	x	74 291 367	19 237 584	67 693 855	37 826 001	199 048 807	16 587 401
1	Шахар	КТМП	172 082	95 180	1	2,219	17 449 115	7 138 512	0	0	24 587 627	2 048 969
2	Шахар	ОП		69 015	1	2,209	0	0	14 498 395	0	14 498 395	1 208 200
3	Туман	КТМП	690 252	161 321	1	1,098	56 842 252	12 099 072	0	0	68 941 324	5 745 110
4	Туман	ОП		321 083	1	2,801	0	0	53 195 459	0	53 195 459	4 432 955
5	Туман	ОШП		227 286	1	1,352	0	0	0	37 826 001	37 826 001	3 152 167

\*БҲМ – базавий ҳисоблаши миқдори.

Бунда, БҲМ миқдори ўрнатилган тартибда ўзгартирилганда базавий ставкалар миқдори ҳам шунга боғлиқ ҳолда ўзгартирилади ҳамда тегишили ҳисоб-китобларда қўлланилади.

Изоҳ: Базавий ставка миқдори, муассаса тури ва тузатиш коэффициентлари ҳар йили Жамгарма Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.